



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 20 апрель, чоршанба

№ 32 (11.731)

Эркин нархда сотилади

ОТЪ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф бурган Осие тараққиёт банки (ОТБ) вице-президенти Ликун Жин раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги алоқаларнинг жадал ривожланиб бораётгани, иқтисодий инфратузилмани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларида мазкур молиявий муассаса мамлакатимизнинг фаол ҳамкорларидан экани қайд этилди.

Мехмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг яқинда эълон қилинган «Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўз вақтида қабул қилинганини алоҳида таъкидлади. ОТБ Ўзбекистонда банк тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларни тезлаштириш ва валюта бозорини эркинлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, банкларни хусусийлаштириш ва мазкур соҳаларга хорижий сармоя жалб қилишда техникавий кўмак кўрсатишга тайёр эканини маълум қилди.

Айни пайтда юртимизда мазкур молиявий муассасанинг умумий қиймати 650 миллион АҚШ долларига тенг 14 лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга, янги темир йўллари барпо этишга, умумтаълим мактабларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

ОТБ вице-президенти Ликун Жин раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов билан учрашди. Улар ўртасида ҳаққондорлик, алоқаларнинг янги йўналишларига оид масалалар юзасидан атрафчилик фикр алмашилди. Л. Жин Ўзбекистонда ҳорижий ишбилармонлар фаолиятини унча ҳар томонлама қулай сармоявий муҳит яратилганини юқори баҳолади.

Фазилдин АРЗНЕВ, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М. Шарифхўжаев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини 2005 йил 6 май куни Тошкент шаҳрида қачирши тўғрисида қарор қабул қилди. Ялпи мажлис муҳокамага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Муваққат регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталарини сайлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар

киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2004 йилги фаолияти тўғрисидаги масалалар киритилмоқда. Ушбу масалалар билан бир қаторда сенаторлар муҳокамага Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

Ушбу масалалар билан бир қаторда сенаторлар муҳокамага Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

ЎЗА.

Деҳқончиликда иккинчи даражали иш деярли бўлмайди. Хусусан, пахтачиликда кузги шудгорни вақтида ва сифатли бажаришдан бошлаб, ҳосилни қисқа муддатда ушоққлик билан йиғиб-териб олишгача бўлган барча иш жараёни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бирорта агротехник тадбир вақтида амалга оширилмаса ёки лажайдлик билан қўл учидда бажарилса, экиннинг ривожига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосилдорлиқнинг пасайиши ва кечки бўлиб қолишига олиб келади.



Ушбу масалалар билан бир қаторда сенаторлар муҳокамага Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.



ҲАМ БҮНАК, ҲАМ МУКОФОТ

Янгийўл туманидаги Абдулла Ориқов номидаги ширкат хўжалиги раҳбар ва мутахассислари шуни ҳисобга олиб, бу йил чигит экишга олдиндан пухта тайёрларлик кўрдилар. Аввало, давлат эхтиёрлари учун 620 гектар ерда пахта етиштириш юзасидан шартнома тузилди. Сўнгги шунча майдонга уруғлик чигитини 10-12 кунда экиб олиш режаси ишлаб чиқилди. Бунга эришиш учун ҳар томонлама бутланган қамда 6 та сепка керак бўлиши аниқланиб, қиш ва эрта кўлам давомида шунча сепка ва трактор тула таъмирлаб, барвақт тайёрлик чизига қўйилди. Об-ҳаво шароитига қараб, янги далага трактор кира оладиган пайт келиши билан сепкалар қайта-қайта синиб кўрилди, нуқсонлар бар-тараф этилди, камчиликлар тўلدирилди.

Пухта етиштириш деҳқондан алоҳида маҳорат ва тажриба талаб қилиши ҳисобга олиниб, 61 нафар пудратчи танланди ва 620 гектар майдон уларга имкониятларига қараб тақсимлаб берилди, ҳар бири билан шартнома тузилди. Хўжалик бошқаруви чигитни тезу саз экиб олиши таъминлаш мақсадида бу йил моддий рағбатлантиришнинг янги ҳақиқатини қўллашга қарор қилди. Маълумки, экиннинг сурьат ва сифати механизаторлар билан сепкачиларнинг қандай ишлашига боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, бошқаруви маъмурияти орти механизаторнинг ҳар бирига 50 минг сўмдан, сепкачиларга эса 25 минг сўмдан бўнак пули тарқатди. Бундан ташқари, кунлик экиш нормаси 10 гектар қилиб белгиланиб, ундан ошириб эканларга ҳар гектарыга

кўшимча 1000 сўмдан мукофот берилиши эълон қилинди. Бундан ташқари, албатта, ҳисобга олинди. Янги мукофот экинчида сурьатга зўр бериб, сифатини унутганларга мукофот беришмайди. Чунки, экин билан бир вақтда минерал ўғитлар ҳам берилади. Уларнинг меъри анёқ белгилаб қўйилган. Чунки, ҳар гектарыга 76 килограммдан азотли, 38 килограммдан фосфорли ва 8 килограммдан калийли ўғит тушиши керак. Шундай қилиб, 11 апрель куни сенов тарихида бошланган экин ишлари икки-уч кун ичда оммавий тус олди. Орти нафар механизатор ҳар кун ички экин эрталаб соат беш яримда бошлаб, кун ботқунча давом эттирди. Натيجида, кунга ўртача 60-70 гектар майдонга уруғ қандаш эришилди. Абдуғани Юнусов, Абдурашид Абдураҳимов, Улугбек Иброҳимов каби тажрибали механизаторлар бир кунда 12-14 гектар майдонга чигит экиб, 50 минг сўм бўнак пулдан ташқари шу кунгача бир неча минг сўмдан мукофот ҳам ишлаб олдилар. Айни кунларда хўжаликда пахта учун ажратилган майдонларнинг сўнги гектарларига барака уруғи қандолмоқда.

Механизатор ва сепкачиларни моддий рағбатлантиришдан ташқари уларни бевосита дала бошида уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлаганимиз туфайли экин сурьати ҳам, сифати ҳам кўнгилдагидек бўлди, — дейди бош ҳосилот Обид Комилов. — Энди далаларга маҳаллий ўғит чиқаришга янада зўр беришимиз. Мақсадимиз — пахта майдонлари бошида жами 1600 тонна гўн тушлаш. Ҳозирча қариб ярмини чиқаришга улгурдик. Уни шербат сувида оқизамиз. Дала бошларида маҳаллий ўғит учун жами 55 та хандак тайёрланган.

Хўжаликда бу йил давлат эхтиёрлари учун 534 гектар майдонга гаъла етиштирилмоқда. 41 нафар пудратчи ҳозирча бугунги икки марта озик-ланттириди. Улар хўжалик бошқаруви билан гектарыга 44 центнердан ҳосил олиш юзасидан шартнома тузишган. Мўлжаллари эса ҳосилдорликни 50 центнерга етказишидир.

Абдусамат ЙҮЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: тажрибали механизатор Абдурашид Абдураҳимов; бошқаруви раиси мовини Шухрат Зиёев (чапда) пудратчи Одилжон Олимжонов билан уруғлик чиқетиш сифати ҳақида фикрлашмоқда. Даврон АҲМАД олган суратлар.

Тошкент вилояти: кеча, бугун, эртага

ТОЗА ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ

Ҳеч қимни бефарқ қолдирмаслиги лозим бўлган долзарб ва хайрли вазифадир

Ўтган йили вилоят шаҳар ва туманларида ичимлик суви иншоотларини қуриш, уларни мукамал таъмирлаш ва қайта қуриш ишлари учун бюджет ва вилоят «Сувоқова» ОАЖ ҳисобидан 1 миллиард 653,8 миллион сўм капитал сармоя сарфланди. Вилоят аҳолисини, айниқса, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш доим долзарб муаммо бўлиб келган. Шунинг учун бу тармоқдаги аҳолини яхшилаш, унинг янги тармоқларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва қувватларини ошириш йўлида ҳар йили катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган йил ҳам бундан мустасно бўлмади. 2004 йил давомида бюджет маблағлари ҳисобидан 933,8 миллион сўмлик маблағ шу соҳага сарфланди. Бундан ташқари вилоят «Сувоқова» очик акциядорлик жамияти ажратган 720 миллион сўм ўзлаштирилди. Бунинг ҳисобига вилоятимиз туманлари ва шаҳарларида 24,1 километр узунликдаги сув қувурлари эتكизилди. Бу режада назарда тутилганига нисбатан 1,5 километр ортиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлашга қаратилган саноат-ҳаққондорлик йўли ҳам кенг кўламда давом эттирилди. Қатор қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўлга қўйилди. Чунки, Бўстонлик туманининг Соилқ қишлоғида марказлашган сув таъминоти иншоотлари нуқонд этилди. Худуд шундай объектлар Бекобод туманининг Тўқбой, Оҳангарон туманидаги Убайт қишлоқлари аҳоли пунктларида ҳам фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари Пскент туманидаги Роҳатовул, Оҳангарон туманидаги Мунчоқтепа ва Бўстонлик туманидаги Хондайлик қишлоқларида шундай ишлар давом эттирилди.

Чунки, Бўка шаҳрида, Зангиота, Окқўрғон, Уртачирчик, Қуйи-чирчик ҳамда Пскент туманларида янги ичимлик суви тармоқлари барпо этилди. Биргина Бўкада истеъмолчиларни тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга қаратилган диаметри 166 миллиметрли 2 километр узунликдаги қувурлар ўрнатилди ва фойдаланишга топширилди. Зангиота туманида эса бунга нисбатан салкам икки баравар кўп иш бажарилди. Туманининг А. Икромов номидаги ширкат хўжалигидаги хонадонларни ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга қаратилган 3,4 километр узунликдаги қувурлар эتكизилди. Уларнинг диаметри 250 миллиметрлидир. Окқўрғон туманидаги Маданият қишлоғи аҳолисини янги қурилган ичимлик суви тармоғидан баҳраманд бўлмоқда. Бу ерда 3 километр узунликдаги янги қувурлардан сув оқа бошлади.

Бу йил оқова сувларни зарарланттириш, янги ичимлик суви иншоотларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш тадбирлари изчил давом эттирилди. Сув таъминотчилари олдига жами 26 километр узунликда сув қувурлари эتكизиш, 7 та қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш вазифаси қўйилган. Бу мақсадлар учун маҳаллий бюджетдан салкам 1 миллиард сўм, вилоят «Сувоқова» очик акциядорлик жамияти ҳисобидан 1,4 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш режалаштирилган.

Айни вақтда ноанъанавий маблағлар ҳисобига ҳам қўллаб ичимлик суви тармоқлари қурилади. Жумладан, шундай маблағлар ҳисобига Янгийўл туманининг Халқобод қўрғонидан Чиноз тумани истеъмолчиларига ичимлик суви етказиб бериш мақсадида насос қурилмаси ишга туширилди. Шу туманининг Сўтбулоқ қишлоғида эса кудук қазилди ва ундан сув чиқарилмоқда.

Бу ишларнинг белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишини таъминлаш долзарб вазифадир. Уларни амалга ошириш суви таъминотчилари қатори жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар ҳам ҳаққондорлик қилишлари, содир бўлаётган камчиликларни, вужудда келган муаммоларни зудлик билан бартароф этишга эришишлари, бунинг учун барча куч ва имкониятларни ишга солишлари лозим. Вилоятимиз қишлоқ хўжалик инфратузилмасининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш халқимиз фаровонлигини оширишга, турмуш даражасини яхшилашга ёрдам беришини унутмаслик зарур.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҲАМКОРЛИКДАГИ БИЗНЕС АНЖУМАН

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон-Италия бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат савдо-саноат ташкилотлари ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Италия ташқи савдо институтини томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари Ш.Абдуллаева бошқарган форумда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқала

Мамлакатимизга келган меҳмонлар азиям Тошкентнинг кўркига кўрк қўшиб турган Теҳурийлар тарихи давлат музейини томоша қилмасдан кетмайди, албатта. Грузия Бош вазир Зираб Ногаониди ҳам ушбу музейнинг меҳмони бўлди.

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ БИЛАН ТАНИШУВ

Пойтахтдаги Теҳурийлар тарихи давлат музейи ўзбек халқининг буюк ўттиши ва буюк шахслари ҳаётидан ҳикоят қилади. Маълумки, теҳурийлар даври халқимиз тарихида уйғонмиш даври сифатида из қолдирган. Бу ердаги 2,5 мингга яқин ноёб ашёлар, тарихий қўлэмалар Амир Теҳур ҳукмрончилиги ва теҳурийлар даврида илм-фан, архитектура, маданият юксак чўққилларга кўтирилганлиги, ўша даврлардақ дунё давлатлари билан дипломатик алоқалар ривожини унча тамаил тоши қўйилганлигидан гувоҳлик бермоқда. Бугунги кунда музей фонди янги экспонатлар ҳисобига янада бойитилмоқда. Шу йилнинг октябрь ойида улар асосида бешта кўргазма ташкил этилиши режалаштирилган.

Музейда ҳорижлик меҳмонлар томонидан туҳфа этилган соғвалар учун алоҳида кўргазма ташкил этилган. 1997 йилда Грузия делегацияси томонидан тақдим этилган декоратив кўза ҳам ушбу кўргазмадан жой олган. Грузия Бош вазир музейини кўздан кечириб, таассуротларини фахрий меҳмонлар китобида муҳрлади.

«Туркистон-пресс».

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

«СИЗ ТАРИХНИ БИЛАСИЗМИ?»

Ангрэн шаҳар касб-ҳунар коллежиди «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг худудий босқичи бўлиб ўтди.

Унда Ангрэн, Олмалик, Оҳангарон шаҳарлари, Уртачирчик ҳамда Оҳангарон туманлари ёшлар иштирок этишди. Ангрэн шаҳрининг «Истиклол» жамоаси ғолиблигини қўлга киритди.

Танлов иштирокчиларига «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан совғалар топширилди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ТАДБИРКОР ТУҲФАСИ

Қибрай туманидаги ёнариқ қишлоғида замонавий маҳалла гузари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Гузарнинг тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимлар ўтказишга мўлжалланган саройи қишлоқ аҳоли учун беқиёс қулайлик яратди. Ҳудудда шарқона ҳамда Европа меъморчилик аъёналарини мужассам этган «Нигмат ота» гузари қўшимча турли маросимларда бағрига 2000 кишини сиғдира олади. Асосий мақсадимиз қишлоғимиз аҳоли учун қулайлик яратиш, — дейди маҳаллий тадбиркор Ботир Жўраев. — Шу боис тўйхонамизда ўтказиладиган маросимлар учун барча шароитлар ҳамда хизматларни яратишга ҳаракат қилдик. Қишлоқ кўркига кўрк бўлиб қўшилган гузарнинг фойдаланишга топширилган маросими худуддаги маҳалалар аҳоли учун ҳақиқий байрам бўлди. Бу ернинг илк ва доимий меҳмонлари бўлмиш ёнариқликлар учун дастурхон ёзилиб, зиёфат уюштирилди.

Ф. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ МУНОСАБИТИ БИЛАН ОЛМАЛИК ШАҲАР ДАВЛАТ САНИТАРИЯ ВА ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТИ МАРКАЗИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ИЧКИ ДАСТУРГА АСОСАН АҲОЛИ ЎРТАСИДА САНИТАРИЯ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ВА ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИ, ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КЕНГ ОММА ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ТАРГИБОТ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ.

ШАҲАР ОРАСТАЛИГИ НАЗОРАТДА

Хусусан, яқинда шаҳардаги барча маҳалла, қорхона ва ташкилотларда тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, сил, ошқозон-ичак касалликлари, ОИТС ва бошқа оғир хасталикларнинг аҳоли ўртасида тарқалмаслигини таъминлаш мақсадида тиббиёт ходимлари билан биргаликда махсус кўриклар ўтказилмоқда. Бундан ташқари иш жойлари, умумий овқатланиш шакли-ҳўбчалари ва кичик бизнес қорхоналарида санитария ҳолатлари устидан назорат кучайтирилди. Худудлар бўйича назоратчилар белгиланди. Натихида шу кунга қадар бир қатор юкумли касалликларнинг камайишига эришилди.

Рустам НЕЪМАТОВ.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА
БАНКЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Мамлакатимизда аҳолининг тижорат ва хусусий банкларга бўлган ишончи кундан-кунга ортиб бормоқда. 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра аҳоли омонатлари 170 миллиард сўмини ташкил этган бўлса, 2005 йилнинг 1 январига келиб бу кўрсаткич 323 миллиард сўмини ташкил этган.

Бугунги кунда юртимизда 30 та банк аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Улардан 4 таси давлат улуши, 5 таси чет эл сармояси иштирокида фаолият юритмоқда. Бундан ташқари 10 та хусусий, 11 та акциядорлик тижорат банклари мавжуд. Уларнинг жойларда 802 та филиали мавжуд. Пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта ва уни

айирбошлаш курси барқарорлигини таъминлаш, аҳоли омонатлари, қолаверса банкдан ташқари муомалада бўлган маблағларни жалб қилиш мазкур муаммаларни ҳал қилишга устувор вазифалардан саналади. Ушбу вазифалар банк тизимини янада ислоҳ қилишни тақозо қилади. Қуни-кеча эълон қилинган "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентимизнинг Қарори айтиш шуниси масалани қаратилган. "Туркистон-пресс".

СОЛИҚ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўқисидий ислохотларни амалга ошириш бора-расидаги устувор вазифалардан эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Тошкент давлат юридик институтида Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган йилгиликда Президентимиз қўйган ана шу устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳақида гап борди. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги - JICA ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ҳуқуқ-тартибот, солиқ ва молия идоралари ходимлари, институт профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда хориқлик мутахассислар иштирок этди. Унда солиқ қонунчилиги соҳасида аҳборот ва тушунтириш ишларининг аҳамияти, солиқ масалаларидаги аҳолининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, солиққа тортиш масаласида амалиётда сигналлар таъминоти ва ёндошувлари ишлаб чиқилиши оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Бехзод НОҲБОЕВ, ЎЗА муҳбири.

Olamdagar? nimagar?
БМТга қачон асос солинган?

БМТ ўзининг тинчлик йўлида олиб бораётган изчил фаолияти билан дунё ҳалқамизни ҳаётида муҳим ўрни тутудади. У тинчлик ва халқаро ҳавфсизлиқни қўллаб-қувватлаш, давлатларaro ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган тузилмадир.

БМТнинг тарихига тўхта-тилган бўлса, биринчи жаҳон уруши бошланиши олдида, дунёда 20 га яқин халқаро ташкилотлар тузилди. Шулардан бири Миллатлар лигаси эди. Миллатлар лигасининг пайдо бўлишига 1915 йили Англиядан бир гуруҳ мутахассисларнинг Брайс раислигида урушни тугатиш тўғрисида ишлаб чиққан лойиҳаси сабаб бўлди.

Брайс бошлаган ҳаракат «Миллатлар лигаси жамияти»нинг тузилишига олиб келди. Яна худди шундай ҳаракатни АКШда собиқ президент Виллям Тафт бошлаб берди. Бу эса «Тинчликни мустаҳкамлаш Лигаси» деб аталди. Икки хусусий ташаббус ҳам 1946 йилнинг 18 апрелида тарқатиб юборилиб, биринчи халқаро ташкилот — БМТ тузилишига олиб келди.

БМТ ташкил этилишининг асосий босқичлари 1941-1945 йилларга тўри келади. «Бирлашган Миллатлар» деган ном Ф. Рузвелт томонидан қирғилган бўлиб, устанининг бирламчи лойиҳаси 1944 йилнинг август-октябр ойларида Дум-бортан-Окс шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда собиқ иттифок, АКШ, Буюк Британия ва Хитой вакиллари томонидан ишлаб чиқилди. Устанининг асосий мақсади эса 1945 йил 25 апрелдан 26 июнгача Сан-Францискода ўтқизилган Бирлашган миллатлар конференциясида 50 та давлат вакиллари томонидан муҳокама этилди ва имзоланди.

Дунёда тинчлик сақлашнинг муҳим воситаларидан бири қулроқсилантириш ҳисобланади. Бугунги кунда бу жараёнда БМТ жуда муҳим ўрни эгалламоқда. Унинг қулроқсилантириш масалалари бўйича департаменти ядро ва бошқа қирғилбарот қулроқларни бартараф эттиш бўйича иш олиб боради ва бу масала юзасидан ҳуқуқий нормалар қабул қилади. Шунингдек, БМТнинг қулроқсилантириш масалалари билан шуғулланинадиган бошқа органлари ишларини ҳам назорат қилади.

Қулроқсилантириш масалалари бўйича департамент (КМД) Бош асосмблеянинг 1998 йил январдаги қарори билан қайта ташкил топди. У дастлаб 1982 йилда юзага келган бўлиб, 1992 йилгача фаолият кўрсатган эди. Асосий мақсади эса ядро ва бошқа оммавий қирғилроқларни тарқатмаслик, уларни қисқартитиш ҳамда тегили бартараф этишдир. Шу билан бир қаторда «оладатли» қулроқлар тоифасига кирувчи пёвдаларга қарши мина ва ўқотар қулроқларни қамайтириш борасида ҳам фаолият олиб боради.

Жўрабек МУРОДОВ, Тошкент Давлат юридик институти халқаро ҳуқуқ йўналишининг II курси магистранти.
УЛАР БИРЛАШИШГА МОЙИЛ
Россиянинг урта шимолий ҳудудини давлаштириш бўйича ўтқазилган референдум натижаларини Қрасноярск ўлкаси губернатори Александр Хлопонин «фантасстиканнинг ўзгисини» деб баҳолади. Сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, бирлашшини ёқлаб ўлқанинг 92,43 фоиз аҳолиси (99,15 фоиз бюллетенларини ўрганиш натижаларига бўйича), Таймирдан 69,95 фоиз, Эвенкиядан 79 фоиз одам овоз берган.

Федерациянинг бошқа ҳудудларида губернаторларни тасдиқлаш жараёни давом этмоқда. Душанба куни Челябинск области депутатлари навбатдан ташқари мажлисида Россия президенти томонидан мазкур ҳудуд губернаторлигига таъин этилган Петр Сумин номзодини бир овоздан маълумқладилар. Уз давосинини сақлаб қолган Суминнинг расман қайта таништириш маросими 22 апрель, жума куни ўтқазилди.

Кострома области Думасига эса губернаторлик ваколатларини бериш мақсадида Виктор Шершунов номзодини қўриб чиқилди тавсия этилган. Агар депутатлар президент тавсиясини маълумқлаб овоз берсалар, Шершуновнинг учинчи муддатга Кострома губернатори этиб таъинланади.

ШУБҲАЛИ УНВОН

Украина Ички ишлар вазирилик мамлакатнинг собиқ президенти Леонид Кучма ва унинг маъмурияти раҳбари Виктор Медведчукни «собиқ нуфузли жиноятчи» деб таҳмин қилинаётган. Феодосия нефть маҳсулотлари билан таъминланган қорхонани директор Александр Бартенев Украина Қаррамониди унвоини берилишига алоқадор деган шубҳани билдирмоқда.

ҲОЗИРЧА ИЗОҲСИЗ

Душанба куни Италия бoш вазири Сильвио Берлускони мамлакатда юзага келган сиёсий инқирозга қарамай, истеъфoга чиқиш нияти йўқлигини маълум қилди. Раҳбарликни тарқ этмаслик истиги сабабларини Берлускони парламент депутатлари хузуридаги чиқиси мобайнида изохлаб бермоқчи.

ҲАВОДАГИ ЖОСУСЛАР

Ливан қулроқли кучлари сўнгги кунларда Исроилнинг разведкачи самолётлари қамида икки марта мамлакат ҳаво сарҳадларига кириб келганини таъкидламоқда. Исроил разведкачи самолёти 14 апрель куни Жанубий Ливан узра олти соат парвоз қилган. У асосан асосий порт шаҳарлари бўлиши Сидон ва Тир ораллигида айланди. 15 апрель куни эса бошқа самолёт Ливан устида уч соат учиб юрган.

ЗАҲАР ЎРНИГА ШАКАР

Польша прокуратураси полициянинг Варшавадаги омибордан 20 килограмм кокаин ўтирилгани ҳақидаги ишни ўрганимоқда. Наркотик модда ўрнига шунча нарқдорда шакар қолдирилган. Мазкур афюнни йўқ қилиш учун келган полициячилар «жабботувр ўзгартириш» кўриб лол қолди. Утирилган наркотик нарқи таҳминан бир миллион доллар эканлиги эътироф этилмоқда.

ҲОЗИРЧА ТЎХТАТИЛДИ

Ҳафта бошида Эрон ҳукумати мамлакат ҳудудида «Ал-Жазира» йўлдош телеканални фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилди. Телеканал журналистлари жануби-ғарбдаги араблар яшайдиган ҳудудларда «тартибсизликлар қўзғатиш» айбонанпта. «Ал-Жазира»нинг мазкур иxtилофларда қай даражада иштироки бор-йўқлиги равшанлашган, унинг фаолиятини тиклаш масаласига қайтилади.

АҲОЛИ ШИФОКОРГА ИШОНСА...

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини, тиббий маданиятни шакллантириш, хасталикларнинг олдини олиш тадбирларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оҳангаронда ҳам бу борада талай ишлар амалга ошириляпти.

Шаҳар марказий шифохонасига қарашли довлaш-профилактика муассасаларида фаолият юритаётган 130 га яқин шифокор, 786 нафар ўрта тиббиёт ходими мактаб ва маҳаллаларга, қорхона ва ташкилотларга бириктириб қўйилди. Айни пайтда «Маҳалла» хайрия жамғармиси шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган шифокорлар гуруҳи уйма-уй, маҳалла-маҳалла юриб, аҳолини қўриқдан ўтқазиб, тартибот ишларини олиб бормоқда.

Шифокорларимиз ҳар бир хонадонга кириб борди, десам янглишмайман, — дейди марказий шифохонa бош шифокори Аъзамали Мирсиддиқов. — Натижада аҳоли ўртасида бизга нисбатан ишонч ортиди. Улар ўз соғлиғига ўзи масъуллигини чуқурроқ ҳис эти бошлади. Бунинг тиббий қўриқдан ўтиш учун довлaш-профилактика муассасаларимизга ўз ихтиёри билан келаятганлар сонини бир ярим-икки баравар кўпайтиришдан ҳам билса бўлади.

Даволaш-профилактика муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий анжонлар билан жиҳозлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили «Тез тиббий ёрдам» бўлими, Силга қарши кураш диспансери капитал таъмирдан чиқарилди. Урта замонавий кишлоқ врачлик пункти қўриб фойдаланишга топширилди. Айни кунларда марказий шифохонa хузуридаги тўғуз мажмуида капитал таъмирлаш ишлари бошланди. Шунингдек, «Санам» кўрғинида янги врачлик пункти барпо этилмоқда, «Бирлик» кишлоғидаги шифо мақсатини капитал таъмирлаш ишларига эса Олмалик конметаллургия комбинати 150 млн. сўм маблағ ажратди.

Урғачириқ туманидаги «Истиқбол» ширкат хўжалиги ҳудудида барпо этилган кишлоқ шифокорлик пункти 5000 дан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда 2 ёшгача болалар эмланиб, туғиш ёшидаги аёллар тиббий қўриқдан ўтқазилаяпти. Шунингдек, пунктда терапия бўлими, ташқиш лабораторияси ҳам фаолият олиб бормоқда. Айниқса, тез тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилганлиги аҳолига қўлайлик яратди.

СУРАТДА: (чапда) ҳамшира Дилрабо Рўзиева ва шифокор Раёно Хотамова беморлар билан суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.



ҚОН БОСИМИНИНГ ДАВОСИ БОРМИ?

Қон босими (гипертония-хавфакон) энг кўп тарқалган асоратли оғир касалликлардан ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, жаҳон аҳолисининг 10 фоизи мана шу дардан азоб чекади. Хасталик асосан юрак-томир тизимларини идора қилиб турувчи асабнинг бузилишидан келиб чиқади. Хавфакон касаллигининг келиб чиқишига шунингдек, бетартиб овқатланиш, жумладан, оқсилга бой, тузили рўш маҳсулотлари, тукум қабилини кўплай истеъмол қилиш натижасида сезиляпти. Спиртли ичимликларга ружу қўйиш, чуқур изтироб, буйракнинг шикастланиши, ички секреция безлари (қалқонсимон без, буйрак усти беши, гипофиз) фаолиятидаги нуқсонлар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Юрак қон-томир тизими фаолиятининг бузилиши асосан атеросклероз билан кузатилади. Бундан қон томири деворларига ёғсимон қўйқалар ўтириб, гов ўсимталар пайдо бўлади ва томир тораюди, натижада қон оқими мароми бузилади. Бу ҳол қон босимини оширишига ва оқибатда жуда хавфли ҳисобланган инфаркт ва инсультга сабаб бўлиши мумкин.

Хавфакон касаллигига чалинган кишилар биринчи навбатда овқатланиш тартибига риоя қилишлари лозим. Бундай кишилар асосан карбон сувлар (углеводлар)га бой бўлган озуқа маҳсулотлари, мевa, кўкат, реэвор, тоза асал каби табиат нәматларини истеъмол қилишлари керак.

Қон босими хасталигига учраган кишилар иложи борича шўр таомлар истеъмол қилмасликлари лозим. Чунки туз киши танасидида сувнинг кўп сақланишига сабаб бўлади. Бу эса қон босимининг ошишига олиб келади. Қон босимида қўлланганиди-



га муволажаларнинг тури кўп. Масалан, 400 грамм чилонжиди, 400 грамм нок ва 100 грамм арпабодидиёв мевасига 200 грамм шакар аралаштириб қайнатилса, қўём қўринишига қиради. Уни кўнуга 30 граммдан истеъмол қилинса, беморнинг қон босими пасайиб, бош оғриғидан фориғ бўлади. Шунингдек, тоза асал истеъмол қилиб турулса, у қон таркибидидаги орткича сувни ўзига шимиди, натижада қон босими маълум даражада пасаяди. Шу билан бирга тоза асал аъзоларга ижобий таъсир кўрсатиб, асабини тинчлантиради.

Бундан сонаот миқёсида таёйрланган дорилар («Ал-лисат») қон босимини пасайтириб, юракнинг қисқариш тебранмасини (аэпилитуду) оширади ҳамда қон томирларини қенгайтириш хусусиятига эга. Лимон ўт халқ табобатида жуда қадрланади. Ундан таёйрланган дорилар юрак оғриғига чалинган кишиларга

ижобий таъсир кўрсатади, хансирашни йўқотади, юрак уришини (тахикарди) яхшилабди, қон босими пасайиб, нафас маромига тушади. Уи шароитида жағ-жағ кўкати ёки унинг қўриқилган гийҳидан икки ош қошиқ олиб, бир стакан қайноқ сув билан давланади ва учга бўлиб, ичиляди.

Кашкарбеда ўтидан таёйрланган давлана қон босимини туширади. Бунинг учун 6 грамм майдаланган кашкарбеда ўти устига қайноқ сув қўйлиб, 6 соат давланб қўйляди. Сўнгра сузилиб, кўнуга 2-3 маҳал чорак стакандан ичиб туриляди.

Зулук қўйиш қон босимини пасайтириб, қон томирларда равои оқишини таъминляди ва қонни тозалаяди. Ҳозир ҳам тиббиёт амалиётида зулук билан гипертония, миокард инфаркти (тўстидан рўй берадиган оғир қўриқилган юрак хасталиги) давланади. Зулук суляги таркибидида одам тана-сига ижобий таъсир кўрсатувчи махсус коагулянт модда бўлиб, у қон таркибидида ҳосил буладиган хавфли ивекторларнинг сўрилиб кетишига ёрдам беради. Бундан ташқари, зулук «суляги»даги анти-септик моддалар қон томирларини қенгайтиради, аъзоларни ташқи таъсияга нисбатан бардошлилигини оширади. Зулуки махсус маалакага эга бўлган тиббиёт ходимлари қўйишлари лозим.

Умуман олганда, ҳар бир киши ўз касаллигини эҳтиёт қилиши керак. Шунингдек, ҳар қандай кўнгилиси воқеалар, ўқим галлардан, туҳматдан, шовқин, нокуя қадимлардан, тартибсиз оғитиладиган сақланиш зарур. Оилада илиқлик ҳужм сўриши ҳам маълум даражада хавфакон хасталиги хуружидан фориғ этади.

Маннон НАБИЕВ, дорихунос.

Таажжуб

Жамиятимиз тараққийтида, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда, шаҳару кишлоқларимизни обод ва кўркем этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, айниқса, маҳалла кўмиталарининг ролу бекиёсдир.

Ҳўш, бугунги кунда «Маҳалла» хайрия жамғармиси туман бўлими, маҳалла фуқаролар йигинлари раислари, шу тизимнинг масъул ходимлари ўз зиммаларидаги вазифаларини қай даражада удралашмоқда?

Яқинда Бўка туманида бўлганимизда бу борада олиб бориляётган ишлар билан танишдик. Яширмаслик зарур, бу борадаги ибратли харақатлар ҳақида «Маҳалла» хайрия жамғармиси туман кенгашининг раиси Тўлғоной Ҳамроқуллова қўнуби гапирди. Кат-кат папкалар, ҳужжатлар, мўхр босилиб, чиройли имзолар чекилган қарорлардан кўнглимиз кўтариландек бўлди. Турли қўриқ-танловлар, учрашувлар, кечалар ўтқазилганлиги яхши албатта.

Лекин гап бошқа-ю иш бошқа эканлиги раиснинг 2005 йилги иш режаси, тадбирлар, дастурлар жамланган папкани кўздан кенгаширимиздан сўнг, сезилиб қолди. Кўнглимизда Бўка тумани «Маҳалла» хайрия жамғармисининг 2005 йил «Сихат-саломатлик йили»да олиб бориладиган (7) ишлар режаси. Қизиқ, «олиб бориладиган» иборасидан ўтган ийли бажарилган ишларнинг ҳиди келмаяптими? Шошма-шошарлик бўлса керак, деган хабрга бордик. Иш режасининг 1-бандини ўқиб, яна ҳайратдан ёқа ўшаймиз. Айнан келтирамиз, «1. Туман хотин-қизлар кўмитасининг 2005 йилги мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини (7) тузиш. Январь (Масъуллар) Туман хотин-қизлар кўмитаси аъзолари. Ажаб! Наҳотки, туман ҳокими мовоини, хотин-қизлар кўмитаси раиси Н. Раҳмонова ва бу ишни Т. Ҳамроқуллова зиммасига юклди бўйин бўлса. Ҳай, майли, энди қўнгили эшитинг. Сузма-суъ келтирамиз: «2. Туманда «Сихат-саломатлик йили» муносабати

билан экология ва саломатлик кўнлариди аҳолига таъминляди. (Бахариш муддати). 2004 йил. Ил давомиди (?). (Масъуллар) Туман ҳокимилик, табииат муҳофаза қилиш бўлими, қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари». Ана, ҳолос. Бундан қийди ҳокимлик ҳам жамғарма раиси иш режасини бажаришга «масъул» экан-да?!

— Булар яхши оила, намунали кехонадон», «Обод кўча» ва бошқа танловлар бўлиб ўтганини жамғарма раиси айтиди, ўшалар рўйхатини қўрайлик, — дедик.

Икки раис кўзи уриштириб, имо-ишора қилиб олишди. Бош қаққашди. «Ахир, қайсиюрд оёда кўрик ўтқаздингиз-ку, ўшани айтин» дейди жамғарма раиси унга имо қилиб. — Булар яхши оила, намунали кехонадон», «Обод кўча» ва бошқа танловлар бўлиб ўтганини жамғарма раиси айтиди, ўшалар рўйхатини қўрайлик, — дедик.

Раис асмалга оширмаган ишини ҳақиқатдан тан олди. Кам таъминланган, ночор шайтан оилаларга моддий ёрдам беришда фақат 8 кишининг аризасини қабул қилган экан. «Яхши биламан, ким қандай шайтан бўлиши керак? Бу борада гоҳо норозиликлар ҳам бўлиб туради. Нега менаг бермадинг, деганларни келгуси чоракка ўтказамиз». Ҳўш, шундай экан, комиссиянинг не хоҳати бор? Тўлоқ маҳалласи фуқаролар йигини туман ёки шаҳар ҳудудида қарашлигини ахратиб олиш қийин. Негаки, 2005 йил иш режасида Бўка шаҳри, Сихат-саломатлик йилига мўлжалланган дастурда эса, Бўка тумани деб кўрсатиляётгани кишини

таажжублантиради. Дастурда белги-ланган тадбирлар ижросини таъминляшга маҳалла раиси Бахтиёр Халимов ва масъул шахслар вақт тополмапти чоги, улар қуруқ гоҳозда қолиб қетаётир. Мисол учун дастурнинг 6-бандида «Маҳаллада ҳар чоракда саломатлик (?) ҳамда чекиш, гийҳвандик, ОИТС ва сил касалликларига қарши курашиш кўнларини

ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Бўка тумани маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида 2005 йил учун тузилган иш режалари ва дастурларни кўриб ҳайратдан ёқа ўшлайсиз

Хуллас, иш режасида аниқлик йўқ. «Мунтазам», «Ил давомиди», «Домин» каби иборалар алминсоқдан қолган. Бу жумлаларда масъулянтдан қочиб бор. Жамғарма раиси қилинган ишлар борасида кўп ва хўп гапирди. Мисоллар келтирди. Баённомаларни ҳам кўздан кенгаширимиз бўлдик. Минг марта эшитилган, бир марта кўрган афзал, дедику Тошлоқ маҳалласи фуқаролар йигинига йўл олдиқ. «Эски шаҳар» дейишар экан бу ерни. Айтганларича бок экан. Деворлар нураган, йўллар тор. Ҳатто, кўчаларнинг номи ҳам йўқ.

ни ўтқазини ташкил этиш» тадбири бўйича ҳеч қандай ҳаракат бўлмаган. Бу ҳолат хуsusида раис: «Вақтимиз бўлмади» дег олди ҳолос. Шунчалик иш кўпки, режаланган тадбирлар ижроси ҳам ёддан кўтарилиб қетаётган экан.

Маҳалла фуқаролар йигини иш режасига нигоҳ ташлар эканмиз, иккинчи банд эътиборимизни тортиди. «Маҳалла вакиллари йигилишини ўтқазин, ишларни тақсимлаб олиш» (Бахариш муддати) Ил давомиди. (Масъул шахслар) Маҳалла фуқаролар йигини қотиби. Вакиллар билан йигилиш, ишларни тақсимлаш нахотки йил давомиди олиб борилаверса? Боз устига бу муаммо тадбир қотиб зиммасига юклатилибди. Нега раис бу ерда ўзини четта олмоқда? Ахир ишлар йил бошида тақсимланади, йигилишларни ҳафта ёки ҳар ойда раис ўтқазиб туриши мумкин-ку. Қўриқиб турибдики, иш режалари

